



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2013 йил
6 февраль
ЧОРШАНБА
№ 10
(12.542)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Вилоят фаоллари йиғилиши

Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибият раҳбарлари, бошқарма ва ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, сиёсий партиялар ва жамоат муассасалари мутасаддилари, туман, шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Фаоллар йиғилишини вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Йиғилиш ўз ишини давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси маърузасида қайд этилган муҳим ва устувор масалаларни атрофлича муҳокама қилишдан бошлади. Қайд этилганидек, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самаралари ўтган йил мобайнида вилоятнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичларида барқарор ўсиш суъратлари таъминланганида ҳам аққол намоён бўлмоқда. Хусусан, вилоятда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот 5,2 фоиз кўпайди. Истеъмол товарлари 13, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 6,7, пудрат ишлари 13,7, жами хизматлар 12,2, чакана товар айланмаси 11,4 фоиз ўсди.

Вилоятдаги катта-кичик саноат корхоналари қарийб 6 триллион 316 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришиб, 7,8 фоиз ўсиш таъминланди. 311 та корхона жами 1 миллиард 798,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди ва хизматлар кўрсатди. Вилоят бўйича янги ташкил этилган 485 та корхона дастлабки маҳсулотларини бера бошлади.

2012 йил мобайнида маҳаллийлаштириш дастурига асо-

сан 19 корхонада 55 та иштирокчи лойиҳа рўёбга чиқарилиб, шу орқали 79 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу 39,6 миллион АҚШ долларидек валюта иқтисод қилинди, дегадидир. Бундан ташқари, янги ташкил этилган 20 корхонада дастурга қўшимча қирқдан ортиқ маҳаллийлаштириш лойиҳалари татбиқ этилди.

Фаоллар ҳисобот даврида вилоятда 2 минг 810 та кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтказилгани, шу ҳисобдан 35 минг 685 та янги иш ўрни яратилгани, тармоқнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 60 фоиздан ошганини таъкидладилар.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бир қаторда муайян соҳаларда йўл қўйлаётган жиддий камчиликларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, иқтисодий ўсишнинг юқори суъратларини, макроиктисодий барқарорлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришнинг диверсификация қилиш, қурилиш соҳасида тўб бурилиш ясаш, қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини янги босқичда давом эттириш, зарур ишбилармонлик муҳити ва муқим, кафолатланган иш ўринлари яратиш, пировардида, аҳоли турмуш даражасини муттасил ошириб бориш бўйича энг муҳим ҳамда устувор масалалар белгилаб олинди.

Фаоллар йиғилиши қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ғ. Ибрагимов сўзга чиқди.

Кичик бизнес

ДАСТУРХОН БАРАКАСИ



Паркент туманидаги "Бахт" фермер хўжалиги раҳбари Мавлонхўжа Ҳожиёв ўтган йил кузда Жаҳон тараққиёт банкидан республика "Агробанк"и орқали 72 минг 860 евро кредит олиб, Исроиленнинг "Паклайн" компаниясидан сутни қайта ишлаш технологик линиясини харид қилди.

Компания мутахассислари келиб, линияни ўрнатиб, бир йўла иш ўргатиб кетишди. Цех декабрь ойида "Бахт-сут" тамғаси остида маҳсулот чиқаришни бошлади. Ҳозир кунга бир тонна сутдан тўрт хил йогурт, қатиқ, қаймоқ, сметана, икки хил сузма, бринза, қиздирилган сут тайёрланиб, "Ўзбекистон темир йўллари" компаниясига шартнома асосида етказиб берилмоқда.

СУРАТДА: ота-бола Мавлонхўжа ва Абдурашид Ҳожиёвлар.
Даврон АҲМАД олган сурат.

УСТЮРТ ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИНИ ҚУРИШ ЛОЙИҲАСИГА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Илгари хабар берилганидек, "Reuter Thompson" жаҳондаги етакчи ахборот агентлигининг нуфузли халқаро наشري - "Project Finance International" Сурғил кони негизиди

Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидидаги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этганим.

2013 йил 30 январь куни Лондонда "Project Finance International" мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда юксак мукофот "Ўзбекнефтегаз" МХК ҳамда лойиҳани амалга ошириш учун ташкил қилинган Жанубий Кореянинг "Kogaz", "Lotte Petrochemicals" компаниялари ва "Uz-Kor Chemicals" кўшма корхонаси консорциуми вакилларига топширилди.

Нуфузли "Хилтон Парк-лейн" меҳмонхонасида бўлиб ўтган тантанали тақдирлаш маросимида бутун дунёдан энг муҳим инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этадиган энг йирик халқаро экспорт-импорт агентликлари, инвестицион ва тижорат банклари, консалтинг компаниялари ва юридик фирмаларнинг 400 нафардан зиёд вакиллари қатнашди.

Тақдирлаш маросимини очар экан, "Project Finance International" PFI наشريнинг бош муҳаррири лойиҳавий молиялашнинг бой тарихи мобайнида Ўзбекистоннинг лойиҳасини илк бор тақдирланаётганини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишини лойиҳавий молиялаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун МДҲ газ-кимё сектори учун бу турдаги

илк битим эканини қайд этди. Айнан ушбу факт лойиҳанинг инновационлиги билан бирга, уни йилнинг энг яхши битими, деб топиш учун асос бўлди.

Тақдир ташкилотчилари, сўнгги йилларда кузатилаётган жаҳон молия бозорларидаги беқарорлик ва юқори даражадаги ноаниқликка қарамай, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳаси учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг суверен кафолатисиз 2,54 миллиард доллар микдоридидаги кредит маблағларининг жалб этилиши алоҳида эътирофга сазовор эканлигини таъ-

кидлади. Ушбу битимнинг бундай юксак муваффақияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган ислохотлар "Ўзбек модели"нинг юқори самарадорлигидан яна бир далилатдир.

Ўзбекистонда ислохотларнинг самарали амалга оширилиши натижасида сиёсий, ижтимоий ва макроиктисодий барқарорлик тобора мустаҳкамланмоқда, хорижий сармоядорлар ва кредиторларнинг мамлакатимизга инвестиция қилишига интилиши ва қизиқиши ортмоқда. Ушбу омил Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши баробарида, халқаро сармоядорлар ва кредиторлар учун қулай шарт-шароит яратиш, мамлакатимизда ўз соҳасининг

етакчи халқаро компаниялари иштирокида лойиҳавий молиялаш асосида кенг кўламли саноат лойиҳаларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Сурғил кони негизиди Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишини лойиҳавий молиялаш битимига берилган ушбу юксак мукофот етакчи халқаро инвестицион банклар, хорижий сармоядорлар ва кредиторларнинг эътиборини ўзига кенг жалб қилди. Уларнинг вакиллари тантанали маросимда Ўзбекистоннинг лойиҳалари халқаро миқёсда улкан эътибор қозонаётганлигини таъкидлаб, мамлакатимизда амалга ошириладиган янги йирик лойиҳаларда иштирок этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Ў.А.

Вилоят ҳаёти

Юқори Чирчиқ тумани

«Дўстлик»да янги МАЖМУА

Бордонқўл қишлоғидаги "Дўстлик" маҳалласида янги маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Тадбиркор Минзахид Ғарифуллин сай-ҳаракатлари билан иш бошлаган мажмуада савдо дўкони, аёллар ва эркакларга мўлжалланган сартарошхона бор. Уч киши муқим иш ўрнига эга бўлди.

Пискент тумани

ТАДБИРКОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧИ

Туман давлат солиқ инспекциясида тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида семинар ташкил этилди.

Унда соҳа мутахассислари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар иштирок этди. Сўзга чиққанлар соҳага доир қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқсизда тўхталиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва бурчларини яна бир бор эслатдилар.

Тадбиркорларнинг саволларига мутахассислар атрофлича жавоб бердилар.

Ирода МАКСУД қизи.

Бўка тумани

ЎҚУВЧИНИНГ МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташаббуси билан "Қаноатсизлик келтирган қулфат" мавзусида Бўка қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежидида давра суҳбати ўтказилди.

Маънавият тарғибот бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, ички ишлар бўлими ходимлари иштирок этган тадбирда турли сабабларга қўра дарсларга мунтазам қатнамаётган

ўқувчилар тарбияси, коллеж талабаларининг кийиниш ва муомала маданияти тўғрисида сўз борди. Давра суҳбати сўнггида ўқувчилар ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

ни саралаб, пўлат эритувчиларга етказиб беришмоқда.

Бекобод шаҳри

ИЛҒОР СМЕНА

"Ўзбекистон металлургия комбинати" очик акциядорлик жамиятининг темир-терсакларни қайта ишлаш шехи жамоаси томонидан январь ойининг 20-кунигача режадаги 24 минг тонна ўрнига 24 минг 725 тоннадан зиёд темир парчаларига қайта ишлов берилди.

Бундай муваффақиятга эришишда 3-смена ишчиларининг ҳиссаси катта. Улар кунига 275 тоннадан кўп темир парчаларини

Зилола АЛИЕВА.

Ўрта Чирчиқ тумани

ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Халқ депутатлари туман Кенгашининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Етита коллеж ва халқ таълими муассасалари раҳбарлари, услубчилар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, халқ таълими аълочилари, фаол ёшлар иштирок этган тадбирда таълим сифатини оши-

ришда йўл қўйлаётган хато ва камчиликлар, фан тўғрисидаги машғулотлари сустиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

Маънавият

Ҳаёт ва инсон билан боғланмаган ҳеч бир гоё яшовчан эмас. Гоёни ҳаёт ва инсонга боғлаб, таъсирчан қилиб талқин этишда эса баъдий адабиётдан кучлироқ восита йўқ.

Хусусан, Алишер Навоийдек даҳо сўз санъаткори асарлари ҳар қандай замон ёки макон талабларига "лаббай" деб жавоб бераверади. Бу жиҳатдан унинг олтинчи достони - "Лисон ут-тайр" алоҳида ажралиб туради.

Муайян гоёни илгари суриш, ҳар бир асарда аниқтиник мақсад-муддаони ифодалаш, шу орқали амалда инсонга таъсир ўтказиш, уни бевосита нималардан-дир қайтариб, айнан нималаргадир ундаш улғу шоир ижодининг бош ғазилатларидан ҳисобланади. Худди шу хислати, яъни асарларидаги юксак гоёвийлик даражасига асосланиб, Навоийни бемалол, буюк мафкурарий шоир, дейиш мумкин. Бундай мафкурарийлик Навоий достонлари, жумладан, "Лисон ут-тайр"да ҳам аққол намоён бўлган. Асарда қушлар мажозан халқ, яъни жамиятини англатади. Демак, ҳар бир қуш - муайян шахс тимсоли.

«ЛИСОН УТ-ТАЙР»: МАҚСАД БИРЛИГИ САРИ ЙЎЛ

Асар бошида тасвирланган қушлар жамиятида эса адолат йўқ, бетартиблик ҳукмрон, мақсад бирлиги мавжуд эмас эди.

Бундай шароитда ҳар кимнинг ўзига лойиқ ва муносиб ўрин ёки мавқега эга бўлиши - амри маҳол. Айни ҳолатда ҳар қандай икки қуш ўртасида манфаатлар тўқнашуви (жой, мавқе таллашиш), яъни зиддият бор. Вазиятни ўнглаш, муаммони ҳал этиш, яъни тартиб-қоида ўрнатиш учун адолатли шох керак. Унга муҳтожлик кучлими, демак, уни излаш, топиш, олдига бориш, узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтиш зарур.

Бунинг учун, биринчидан, ҳар бир қуш шу умуммақсадни ўзининг шахсий мақсади деб билиши, иккинчидан, ҳамма қушлар аини гоё атрофига бири-

киши, шу муштарак орзуни ўз орзуси деб ҳисоблашига тўғри келади.

Худҳуд (Попишак) қушларни узоқдаги шундай адолатли шох - Симуғ сари бошлаб, уларни учиниб кетади. Айни лаҳзадан асардаги зиддиятнинг табиати ва ўрни ўзгаради: энди бир қуш билан иккинчиси ўртасида зиддият йўқ, қарама-қаршилиқ муайян қуш билан умуммақсад орасига тушиб олади.

Худҳуд эришган биринчи ютуқ шу эди.

Достонда бундан бугеи Худҳуд ана шу умуммақсад ифодачиси сифатида намоён бўлади. У умуммақсадга етакловчи, бу ниятдан сира қайтмайдиган, бу гоёга мутлақ содиқ ягона қуш бўлгани учун, энди жиҳатдан қараганда, энди ўзаро зиддият ҳар бир қуш билан Худҳуд ўртасида юз бера-

ди. Лекин Худҳуд сира бўш келмайди. Тарғиб ва ташвиқни қучайтиргандан-қучайтиради, ҳатто, ўрни ўрни билан унга саркашлик қилган қушларга ачиққуруқ гаплар ҳам айтади. Шу тариқа ҳар бир қушнинг баҳонасига асосли жавоб топади. Охири, қушларни ўз гоёсига мутлақ ишонтиради.

Шундан орадаги зиддият камая боради. Еттинчи водийга парвоз бошланганидан кейин қушлар ўртасидаги ўзаро фарқ батамом йўқолади. Шунинг учун шоир энди, қайси қуш ҳақида гап кетмасин, уни фақат ва фақат бир қуш деб эслайди, ҳолос. Қушларда умуммақсадга розилик бошлангач, улар билан Худҳуд ўртасидаги зиддият барҳам топади.

(Даврами 2-бетда).

Маънавият

«ЛИСОН УТ-ТАЙР»: МАҚСАД БИРЛИГИ САРИ ЙЎЛ

Лекин Худхуд билан кушлар ўртасидаги тафовут ҳамон мавжуд. Чунки Худхуд – раҳнамо, у йўлни яхши билади. Шу жиҳати билан у бошқа кушлардан устун туради. Шунинг учун кушлар қайси масалани охиригача англашда қийна-либ қолса, Худхуддан мас-лаҳат сўрайди, Худхуд уларнинг барча саволлари-га жавоб бера боради.

Еттинчи, яъни фақру фано водийси ҳам адогига етгач, кушлар амалда умум-мақсадига эришади. Улар Симургни излашган эди, топишади. Узлари Симург – ўттиз қуш эканликлари-ни англашади. Чунки фор-сий тилда “си” сўзи “у-тиз”ни, “мурғ” сўзи эса “куш”ни англатади.

Ана шу ўттиз қушнинг орасида Худхуднинг ўзи ҳам бор, албатта. Бирок энди уни ҳам бошқалардан ажратиб ололмайсиз. У ҳам барча билан тенг бўлиб қолган. Бошқача айтганда, ҳар бир қуш Худхуд мако-мига кўтарилган. Худхуд уларни ўзининг даражаси-га еткарди. Шу тариқа ав-вал зиддият, кейин эса фарқ барҳам топди – умум-мақсадга эришилди.

Бунинг учун кушлар ти-нимсиз ўзлмигдан воз ке-чиб борди.

Достонда кушлар – бир рамз, холос. Амалда куш-лар тўдаси орқали инсоний-ят жамияти тасвирланган. Демак, шахс билан жа-моа ўртасидаги курашда жамоа мақсади учун шахс мақсади тинимсиз четга сурилиб борди. Аммо, шундангича келиб чиқиб, буни, демократияга зид ту-шунча, ҳаммани тенглаш-тириш сибасати, деб талқин этмаслик керак. Бу ерда шахс манфаати иккига бўлиняпти: биринчиси – вақтинча, юзаки, фақат жисмоний эҳтиёжлар билан боғлиқ мақсад; иккинчиси – боқий, юксак, руҳий, маъ-навий эҳтиёжга қаратилган мақсад.

“Лисон ут-тайр”ни фақат ана шу – халқ ва мақсад бирлиги учун кураш маса-ласи жиҳатидангина таҳлил этганда ҳам, у бизга бугун учун жуда асқотадиган асар сифатида хизмат қилади. Симург – асарда зохи-ран подшо, мохиятан эса

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аллоҳ рамзи. Худхудни раҳнамо, йўлбошчи, халқ-ни эзгу ғоя сари етакловчи тимсол янглиғ англаш ке-рак. Шу маънода айрим адабиётшуносларимизнинг “Лисон ут-тайр”га суюниб, мамлакат аҳлининг раҳна-мо етакчилигида мустақил-ликини мустаҳкамлаш учун курашини назарда тутиб ёзган мақоласига “Симург қаноти остида” деб сарлав-ха қўйиши, достон моҳия-тидан келиб чиқиб ёндаш-ганда, ўқувчини бир оз чал-ғитади. Чунки гарчи асар бошида Симург шох рамзи бўлиб келган бўлса ҳам, у рамзан Аллоҳга ишора ва кушларнинг ўзи бирлашиб, Симург қушга айланди. Достонда айнан Худхуд халқ раҳнамоси тимсоли бўлиб келган ва худди шу Худхуд кушларни юксак манзилга етказди. Асарда у энг фаол тимсол.

Чиндан ҳам, “Лисон ут-тайр” моҳияти бугун беих-тиёр ҳаётимиз ва халқимиз-нинг юксак ғоя ва буюқ мақсад сари олиб бораёт-ган курашини эслатади. Агар кимда-ким раҳнамо бошлаб бораётган йўлда ўз шахсий (жисмоний) манфа-атини умумхалқ манфаати-дан устун қўриб, уни ху-фиёна қондирши билан машғул бўлса, билинги, бу бевосита умумхалқ манфа-ати ҳисобига, яъни эл-улус-нинг зийнига амалга оша-пти. Шахсий манфаатини но-қонуний тарзда умумхалқ манфаатига қарши қўйиб иш қўраётганлар билан раҳнамонинг йўлини садо-қат билан изчил давом эт-тираётганлар ўртасида зид-дият пайдо бўлади, бу қу-чайиб боради ва умуммақ-сад йўлида катта тўсиққа айланиши хавфи юзгага ке-лади.

Холбуки, ҳар қандай жамонинг умуммақсадаги етиши учун бир ғоя атро-фида бириккан жамоа аъзо-лари ўртасида зиддият бўлмаслиги, мабодо, бўлса ҳам, мақсад сари кураш жараёнида у кундан-кун камайиб бориши ва охири йўқолиб кетиши шарт.

Ҳар қандай янги мақсад сари интилиш ниманидир инкор этиш, нимадандир воз кечиш эвазига амалга ошади. Демак, ҳар қандай мақсадга эскилик ва янги-лиқнинг ўзаро кураши ор-қали, аниқроғи, янгилик-

нинг эскилик устидан гала-баси тарзида эришилади.

Хўш, кушлар Худхудга асосан нимани баҳона қўрсатиб, саркашлик қил-ди?

Авалги ҳаётини! Ҳаммаси олдин яшаб турган турмуш тарзи маъ-қул эканини исботлашга уринди. Чунки уни ўзгар-тириш – машаққат-да. Мақ-сад сари озгина учиб кўр-ганларидан кейин қи-йинчиликлардан чўчиб, улар шу фикрга келди-қўй-ди. Майли-ю, Симург қуш-ни топа олмасак ҳам, тинч-гина шу эски турмушимиз билан яшаб юрaversак, нима қилар эди, дейишди.

“Лисон ут-тайр” – ҳар қандай замон учун ҳам долзарб, деганимизга асос шук, одамзот ҳозир яшаб турган турмуш тарзини ях-шиламоқчи, ундан қўра яхшироқ жамиятни барпо этмоқчи бўлар экан, албат-та, достондаги тасвирга ўхшаш вазиятни бошидан кечиради.

Биз мустамакадан воз кечиб, мустақил давлат қуришга, социализмнинг баҳридан ўтиб, ўрнига бо-зор иқтисодиётига асос-ланган демократик тузум – фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат барпо этишга киришди. Ҳамма-миз бирдай ғувоҳимизки, бу ўз-ўзича бўлаётгани йўқ. Олий мақсадга етиш – ри-вожланган давлатлар сафи-дан ўрин олиш учун шун-дай қилишдан бошқа йўл ҳам йўқ.

Кушлар олий манзилга аста-секин, яъни водийма-водий йўл босиб етиб бор-ди. Бизда ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани ҳам шунга ўхшайди.

“Лисон ут-тайр”да куш-лар охир-оқибат умуммақ-садга етишгани каби, биз ҳам халқ сифатида олди-мизга қўйган эзгу мақсад-ларимизга, албатта, эри-шамиз. Фақат бир шарт бор: мақсад сари инти-лишда иккиланиш, орқага қайтиш, олдинги даврни қўмсашга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Султонмурод ОЛИМ,
вилоят педагог
кадрларни қайта
тайёрлаш ва малака
ошириш институти
доценти.

Фармон ва ижро

Қишлоқ хўжалиги – мамлакатимиз иқтисодиё-тининг устувор тармоқлари-дан бири. Шу боис мус-тақилликнинг дастлабки йилларида-ноқ бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқ-

– Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар жараёнида фер-мер хўжаликларининг таш-кил этилиши аграр соҳада-ги муаммоларни босқичма-босқич ҳал қилиш имкони-ни берапти, – дейди вило-лят фермерлар кенгаши раиси Тўлқин Тўраев. – Айни пайтда фермер хўжа-ликлари қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфига айлан-иб, аҳоли турмуш даража-сини юксалтириш масъуля-тини ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий куч сифатида танилмоқда. Юрт-бошимизнинг “Фермер бой бўлса, мамлакат обод бўла-ди” деган сўзларининг амалдаги исботи бу.

Республика Президентининг “Ўзбекистонда фер-мерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомил-лаштириш ва уни ривож-лантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони иж-росини таъминлаш мақса-дида виллоятимизнинг бар-ча туманларида таъсис кон-ференциялари ўтказилиб, фермерлар кенгашлари ту-

ҚИШЛОҚДА ЕТАКЧИ ИЖТИМОЙ КУЧ

зилди ва кўп йиллик таж-рибага эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари кенгашга раис этиб сайлан-моқдалар.

Фермерлар Кенгашлари самарали фаолият юритиши учун алоҳида бино, транс-порт воситалари, компью-тер ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди. Кўп тармоқли фермер хўжалик-ларини ташкил қилиш мақ-садида виллоят бўйича ке-нагайtirилган йигилиш ўтқа-зилиб, фармонда белгилан-ган барча масалалар атроф-лича муҳокама қилинди.

Туман фермерлар ке-нгашлари 2013 йилга мўлжалланган иш режале-рини ишлаб чиқиб, тасдиқ-ладилар. Шунингдек, “Кўп тармоқли фермер хўжалик-

да. Бунинг самарасини эса бугун бозорларимиз-даги тўқинликда, дастурхонларимиздаги барака-да, тобора фаровоналашиб бораётган ҳаётимизда кўриб турибмиз.

ларини ташкил қилиш бў-йича чора-тадбирлар дас-тури” ишлаб чиқилди ва бугунги кунда жойларда уни амалга оширишга ки-ришилмоқда.

Ўзбекистон фермерлар кенгаши конференциясида “Фермерлар кенгашларини ташкил этиш бу навбатдаги ислохот эмас, балки бош-қарувдаги ислохотдир” де-ган яхши фикр айтилди. Шунга қўра, туман кенгаш-лари фермер хўжаликлари-га ер бериш ва ерни олиб қўйиш, улар билан тайёр-ловчи ва таъминотчи таш-килотлар ўртасида адолат-ли шартномалар тузиш ва кўп тармоқли фермер хўжа-ликларини ташкил қилиш-да фаол иштирок этмоқла-ри лозим. Деҳқон бозор-

ларидаги нарх-навони мақ-бул даражада муқим тури-шини таъминлаш ва соғлом рақобатни юзгага келтириш мақсадида туман фермер-лар кенгашлари бозорини ташкил этишга киришилди.

Шунингдек, кўп тармоқ-ли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурига асосан бу йил виллоятда 2196 та шундай фермер хўжаликларида 12 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилади. Дастур ижросини таъминлаш мақ-садида қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта иш-лайдиган замонавий техно-логияларни олиб келиш юзасидан шартномалар ту-зиш, уларни сотиб олиш учун молиявий мабзаларни шакллантириш ишлари ҳам

бошлаб юборилди.

Жумладан, бугунги кун-да 33 та фермер хўжалиги-да сервис хизматлари, 36 тасида чорвачилик, 11 та-сида паррандачилик тармоқ-ларини ривожлантиришга оид хужжатлар тайёрланди. Қиш фасли – иш фасли деганларидек, виллоят фер-мерлари ўз шароитларидан келиб чиқиб, белгиланган агротехник тадбирлар асо-сида кузги-қишки юмуш-лар, яъни хандақ қазиш, далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, галла майдонла-ри атрофини четан билан ўраш, ўғитлаш ва ариқ-зо-вурларни тозалаш, бог ва тоқзорлардаги зарур тад-бирларни амалга оши-ришяпти.

Хулоса қилиб айтганда, виллоят фермерлар кенгаш-лари фермер хўжаликлари-нинг моддий-техник база-сини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, кўп тармоқ-ли фермер хўжаликларини ривожлантириш ва соҳага саноатни олиб кириш, фер-мер хўжаликлари коопера-циясининг турли шакллари-ни ташкил этишга жиддий киришди.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.

Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар кенгаши яқинда ўтган сессиясида долзарб масалани кўриб чиқди.

КАМЧИЛКЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

Депутатлар аҳоли-нинг ҳуқуқий мадания-тини янада ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит ба-рқарорлиги, ҳудудлар-нинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш ва о бодонлаш тиришда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, жамоат-чилик назоратини ку-чайтириш, қиш мавсу-мида барча соҳалар бир маромда ишлашини таъминлаш вазифалари те-варағида очиқ-ошқо-ра фикр юритишди. Шаҳар прокуратураси ва бир қатор маҳалла-лар фуқаролар йигинла-ри раисларининг ахбо-роглари тингланди.

Нотиклар мавжуд камчиликларни барта-раф этиш, Обод турмуш йили вазифаларини му-ваффақиятли бажариш-нинг зарур шарти экан-лигини таъкидлашди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

Бунёдкорлик

Миллий мустақиллик Ўзбекистонга қадим Буюк Ипак йўлини янги қиёфада намойён этиш имконини беради. Бир пайтлар қарвон кўнироққари тинимсиз жаранлаб, Шарқ билан Ғарбни боғлаган бу азим йўлларда кенг қўламок бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Уларга тўхталиб,

ОҲАНГАРОН ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА



– Президентимизнинг “2009-2014 йилларда Ўзе-бистон миллий автома-гистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги Қарори асосида Буюк Ипак йўли бўйлаб транспорт-чи барча турдаги транспорт воситалари ва йўловчилар-га зарур шарт-шароитлар яратиш, йўл инфратузилма-сини замон талаби даража-сида шакллантириш қизгин давом эттириляпти, – дей-ди Оҳангарон тумани бош архитектори Р. Йўлбарсов. – Туман ҳокимлиги миллий автомагистраль бўйлаб йўл-сервис хизмати кўрсатиш иншоотларини жойлашти-риш масалаларини изчил ҳал қилмоқда, тасдиқланган лойиҳаларни амалга оши-ришга киришган тадбир-корларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Сўнгги икки-уч йилда Оҳан-

гаронда катта ҳажмдаги қурилишлар якунланди, ав-томагистралнинг икки бети обод бўлди, юзлаб янги иш ўринлари барпо этилди. Миллий мезморчилик анъ-аналари замонавий бино-корлик услублари билан уйғунлаштирилган мухта-шам бинолар шаҳар кўрки-ни очди. Улар орасида тад-биркор Шавкат Комилов қуриб, ишга туширган су-пермаркет ва умумий овқ-атланиш мажмуаси алоҳи-да ажралиб турибди.

Туман ҳокимлиги миллий автомагистраль бўйлаб йўл инфратузилмасини ривож-лантириш бўйича белгила-ган чора-тадбирлар режаси изчил бажариляпти. Шу кун-ларда миллий автомагист-ралнинг турли участкалари-ни айлансангиз, бунинг ғу-воҳи бўласиз. Кемпинг, меҳмонхона, тиббий ва тех-ник хизмат кўрсатиш пункт-

давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг яқиндаги мажлисида ўтган муҳлатда 500 километрга тўрт полоаса-ли замонавий автомобиль йўллари қуриш ва реконструк-ция қилиш ишлари якунланганини, Гулистон-Оҳангарон ав-томобиль йўлининг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

ши ниҳоятда муҳим. Шу са-бабли инфратузилма учун жой ажратилган, лойиҳа-смета хужжатлари расмий-лаштирилаётган иншоотлар буюртмачилари билан бе-восита иш олиб бориляпти. Қурилиш давом этаёт-ган ҳамда тугалланган би-ноларнинг сифати, миллий мезморчилик талабларига жавоб бериши назорат қилинаётир. Туман мута-хассислари виллоят давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясининг масъул вакиллари билан ҳамкорликда мониторинг-лар ўтказиб, аниқланаётган камчиликларни бартараф этишяпти.

Миллий автомагистрал-нинг Оҳангарон туманидан ўтувчи қисмида бунёдкор-лик ишлари жадал тус ол-моқда. Белгиланган дастур ижроси тезлашяпти. Нати-жада Обод турмуш йилида шаҳар ва қишлоқлар янада кўркем, файзли, йўловчи-лар дам олиб ўтиши учун қулай бўлиб бормоқда.

Жўрабек МУРОДОВ.
СУРАТАЛАРДА: Оҳанга-рон шаҳрида барпо этилаётган супермаркет ҳамда тўйхона.

Даврон АХМАД
олган суратлар.

Ҳунармандчилик

КАСБ МАЪМУРЧИЛИК КЕЛТИРДИ

Янгийўлак тадбиркор Абдумажид Асоров бошчилик қилаётган касблар болаалар ва кат-талар оёқ кийимларини таъмирлайди. Улар

фаолиятни кенгайтириб, хизмат сифатини ях-шилаб бораётгани туфайли мижозлар кўпай-моқда.



ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИНГ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2012» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Ҳурматли ҳамкасблар! Ўзбекистон Журналист-лари ижодий уюшмаси си-заларни “Йилнинг энг фаол журналисти – 2012” рес-публика танловида қатна-шишга таклиф этади.

Танловга 2012 йилнинг 1 июнидан 2013 йилнинг 1 июнигача газета ва журнал-ларда, интернет нашрлари-да эълон қилинган матери-аллар, эфирга узатилган

телекўрсатув ва радио-эшиттиришлар қабул қили-нади. Материаллар танловга тахририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республи-каси ва виллоятлар бўли-млари орқали жорий йил-нинг 5 июнигача муаллиф-нинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълу-

мотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақ-дим этилиши лозим.

“Йилнинг энг фаол жур-налисти – 2012” танлови голиблари ва совриндорла-рига диплом ҳамда қиммат-баҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситала-ри ходимлари кунига ба-ғишлаб 27 июнда ўткази-ладиган байрам тадбирида топирилади.

Материаллар “Йилнинг энг фаол журналисти – 2012” танловига деб кўрса-тилган ҳолда қуйидаги ман-зилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳ-ри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналист-лари ижодий уюшмаси 3-кават, 30, 35-хоналар. Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. www.Journalist.uz.



Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Тарих тамғаси, боқийлик белгиси... Булар ҳар қадамда учрайди. Тарихий излар, боқийлик рамзлари кўҳна баҳайбат тошларга, олис тоғли қишлоқларнинг рангдор сўзанагарига, сийқаланган тоғ жинсларига муҳрланган. Улар аллақайқалардан ва қандайдир йўлар билан олиб келиниб, замонавий оғисларнинг пеш-

тоқларига ўрнатилган. Нима бўлди-ю, Пискент туманилик ўқитувчилар кўҳна қабристоннинг қоровули ёрдами билан қоп топиб олишди. Қарашса, ичи тўла қадимий китоблар. Бу жуда қалин ва катта китоблар қандайдир номаълум қабрда бир асрдан бери ётган экан.

қаддас қадамжолар билан бир қаторда ушбу жойларда содир бўлаётган воқеа-ходисалар, тарихий ҳамда табиат сир-синоатлари ҳақида сўлаб беришни ҳам жуда-жуда истаймиз. Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди ва

рамзи ҳисобланади. Биринчидан, булар – қабр тошлари. Халқ уларга алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлади. Шундай тошлар борки, худди Парпютадаги метеорит парчасидек, ўзидан куч-қудрат таратиб туради. Пар-

жойлаштиришган. Бўстонлик туманидаги Бюгистон қишлоғининг Шайх Умар Валий муқаддас қадамжосида ўхшаши йўқ чиройли тош сақланади. У жуда совуқ. Аммо, унга тегинганингиздан сўнг қалбингизда

линомқада. Вилоятимизнинг кўплаб мўъжизалари қаторида яна битта ажабтовури бор. Арашонбобо муқаддас қадамжосидаги кенг худудда тошлар ҳаракатланиб туради. Тўларпоркўл томон элтидаги йўлнинг ўнг томонидаги баланд тепаликда тош ҳайкалчалардан иборат бутун бошли шаҳарча мавжуд. Манзара –

лаб қолган аёлларнинг кўҳна қўшиқларида бир парча бўлса ҳам эшитишга интилишлари шундан.

Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, тоғли қишлоқлик чўпон ҳам шундай бир қарвонга қўшилиб, сафарга кетипти. Ёшгина хотини унинг ортидан гўё тезроқ қайтишини Яратдандан илтижо қилгандек, қўйлаганча қолипти. Аммо севгилиси қайтмапти. Кўплаб қарвонлар келиб кетипти-ю, чўпондан дарак бўлмапти. Хотини эса йўл бўйидаги тош устига ўтириб олганича, қўйлашини қўймапти. Кутаверипти, қўйлаверипти. Орадан кунлар, ойлар, йиллар ўтипти. Охири бечора хотин тошга айланибди. Халқ тилида у Келинтош келини олибди. Бугун ўша Келинтош кўплаб тошлар қаторида туриб, одамларни хайратга солапти. Ер қаъридан қўшиқ, сизиб чиқаётгани қўлоққа чалинади ва тошларнинг қиёфаси ўзгариб Мухаббат куйидан жон битаётгандек.

Халқ хотирасида кўҳна қўшиқ кўп, афсона-ривоят бисёр. Бу хотирани қалбан ҳис этиш лозим. Бу хотира сари тўри йўл топа билиш зарур. Бу – ўзига хос йўл. Бу охири хайрли шундай йўналишки, охир-оқибат ҳар кимни ўзлигига етказадди, наслу насабига элтади. Тарихи ўша ердан бошланади. Бу – Ватан тарихи. Уни севиш ва асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамағмаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.

ЭЗГУ УМИДЛАР ЙЎЛИ



пиотадаги бир туркум тошлар алоҳида магнит зонаси ва ўзига хос иқлим яратган. Бу зияратчиларга ҳаётбахш таъсир кўрсатади. Охангарон тумани Шовғоқ қишлоғидаги Хўжаэспурх муқаддас қадамжосидаги аҳойиб тош гўё айвон (ложани) эслатади. Бу ерда 400 йилдан бери кўллаб келинаётган қоида бор. Агар ўша тошга чалқанча ётиб, пагста сипраниб тушилиса ва бу ҳаракат уч марта қайтарилса, киши бел ва бош оғриғидан халос бўлади. Бу тошни сўфийлар – шаҳсан Хўжаэспурх ота ҳамда унинг сафдошлари келтиришган ва

илиқлик пайдо бўлади. Паркент туманидаги Бухонгарбува тошлари муҳаббат, оилавий бахт ва бутун олам уйғунлиги рамзи ҳисобланади. Охангарон туманидаги Пайғамбар ота тошлари – жасурлик, куч-қудрат ва боқийлик рамзи.

Вилоятимизда ўнлаб, юзлаб муқаддас тошлар бор. "Явولي мазор", "Кўк тўли авлиё", "Қирқиз", "Парпи ота", Қизилтоғ томонларда "Эзунун ота", "Бузуғр бува", "Ҳазрат Али" ва ҳ.к. Каттакич бу муқаддас тошлар бизнинг маданий бойлигимиз сифатида бир неча юз йиллар давомида асраб ке-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик макомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимларини давлат статистика тизимидаги 1-KB shakli, 1-KB shakliga iлова (QX), 1-FX, 1-QX, 2-moliya shakli, 1-S shakli, 2-S shakli, 1-yoqilg'i shakli, 4-eko-M shakli, 5-eko shakli, 1-qurilish shakli, 2-invest shakli, 1-savdo shakli, 1-xizmat shakliga iлова, 2-xizmat shakli ва 1-NTT shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2013 йил 15 февраль кунидан кечиктирмаслигингиз юзасидан оголхантириб ўтамыз.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб қўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2011 йилнинг 1 февралидан бошлаб, Давлат статистика кўмитаси расмий сайти (www.stat.uz)да электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистик ҳисоботларни электрон кўринишда йиғиш Тизими фаолият кўрсатмоқда.

Хозирги кунда, корхона ва ташкилотларга қуйидаги давлат статистика ҳисоботлари шақлларини Интернет тармоғи орқали электрон кўринишда тақдим этиш имконияти яратилган:

- 1-narx shakli** "Ишлаб чиқарувчиларни саноат товарлари нархлари тўғрисида ҳисоботи" (ойлик)
- 2-narx shakli** "Саноат корхонасининг харид қилинган моддий ресурслари ўртача нархлари тўғрисида ҳисоботи" (ойлик)
- 3-narx shakli** "Автомобиль транспорти корхоналарида юк ташиш таърифлари тўғрисида ҳисоботи" (ойлик)
- 4-narx shakli** "Темир йўл транспортида юк ташиш таърифлари тўғрисида ҳисоботи" (ойлик)
- 5-narx shakli** "Хаво транспортида юк ташиш тарифлари тўғрисида ҳисоботи" (ойлик)
- 6-narx shakli** "Қурув йўли транспортида юк ташиш (узатиш) тарифлари тўғрисида ҳисоботи" (ойлик)
- 7-narx shakli** "Алоқа хизмати таърифлари тўғрисида ҳисоботи" (ойлик)
- 8-narx shakli** "Харид қилинган асосий қурилиш материаллари, қисмлар ва конструкциялар нархлари тўғрисида ҳисоботи" (ойлик)
- 1-moliya shakli** "Корхонанинг молиявий аҳоли тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)
- 3-moliya shakli** "Корхонанинг ҳаражатлари тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)

- ҳисоботи" (чорақлик)
- 1-TIF shakli** "Хизматлар экспорти-импорти тўғрисида ҳисоботи" (ойлик)
- 1-S shakli** "Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисоботи" (ойлик)
- 1-S shakliga iлова** "Саноат корхоналарининг маҳсулот етказиб бериш ва моддий ресурсларни олишга шартномалар тузишнинг бориши юзасидан сўров" (йилда 2 марта – февраль, декабрь)
- 1-S shakliga 1-iлова** "Кооперация биржасида тузилган шартномалар доирасида 2013 йилда тайёр маҳсулот, бутловчи қисм ва материаллар етказиб берилишининг бориши тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)
- 1-MDS shakli** "Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)
- 2-paxta shakli** "Пахта хом ашёсини қайта ишлаш тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)
- 2-qurilish shakli** "Қурилиш ишларининг бажарилиши тўғрисида ҳисоботи" (ойлик)
- 1-ID shakli** "Инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)
- 1-qurilish shakli** "Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига йўналтирилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)
- 1-qurilish shakliga iлова** "Ижтимоий соҳанинг айрим объектларини ишга тушириш тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)
- 4-qurilish shakli** "Жисмоний шахслар томонидан объектлар қурилиши тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)
- 1-invest shakliga iлова** "Ўзбекистон Республикасига хориждан киритилган инвестициялар тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)
- 2-invest shakli** "Номолиявий активларга инвестициялар тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)
- 1-QX shakli** "Қишлоқ хўжалик корхонаси фаолияти тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)
- 1-FX shakli** "Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисоботи" (йилда 2 марта)
- 1-paxta shakli** "Пахта хом ашёси хариди тўғрисида ҳисоботи" (йилда 3 марта)
- 1-don shakli** "Дон хариди тўғрисида ҳисоботи" (йилда 3 марта)
- 1-pilla shakli** "Пилла хариди тўғрисида ҳисоботи" (йилда 2 марта)
- 1-DX shakli** "Дехқон хўжаликлари фаолияти тўғрисида ҳисоботи" (йилда 2 марта)
- 1-geo shakli** "Геология-қидирув ишларининг бажари-

- лиши тўғрисида ҳисоботи" (чорақлик)
- 1-savdo shakli** "Улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисида ҳисоботи" (ойлик)
